## ИСТИҚЛОЛНИНГ 11 КОШОНАСИ

*Мустақилликнинг 11 йиллиги ҳам катта тантаналар билан нишонланди. Бу тўйдан қанчалик фахр туйишимизни, қадрини қанчалик ҳис қилишимизни нафақат Боботоғнинг нариги томонидаги қўшниларимиз, балки етти иқлимнинг эл-улуси тийрак нигоҳ билан кузатиб турибди. Буюк юрт ворислари, улуғ халқ фарзандлари эканлигимиздир, бу эътиборнинг боиси. Демак, уларга Алпомиш авлодларининг ОЗОДЛИК йилларида эришган ютуқлари, жаҳон ҳамжамияти дея аталмиш кенг айвондан қисқа вақт ичида ўз ўрнини топгани, бошқалар буни самимий эътироф этаётгани ҳақида ҳикоя қилиб бермоқ керак. Бизнинг элни бир вақти «уммонда сузиб юрган музтоғ”-га, “узилиб қолган вагон”га ўхшатганлар тилини тишлаб қолиши тайин шунда. Инчунун, катта тўй гурунглар, маслаҳатли ишлари билан файзлидир.*



# АЛПОМИШ АВЛОДЛАРИ

### ёхуд XXI аср журналистининг қадимий достон йўлидаги қораламалари хусусида

Ўзбекнинг тўйи полвонлар ва улар ҳақидаги афсонавий таърифларсиз ўтмаслигини биласиз. Шу денг, кураги ерга тегмайдиган баҳодирларимизнинг ўтган 11 йил ичидаги зафарлари, юртни танитишдаги хизматлари тўғрисида мухтасар маълумотларини тартибга солгунча, сиз гапни **газетанинг Сурхон воҳасидаги мухбири Олимжон УСАНОВ**дан эшитиб туринг.

— Термиз афсонавий қўналға даражасига кўтарилган шаҳар. Озодлик йилларида унинг дарахтлари ерга янада чуқурроқ томир отди. Термиз чирой очди. Термизни кўплар кичкина Тошкент, деб атайдиган, улуғлайдиган бўлиб қолишди. Албатта, Термизнинг бу камолию комилликка эришувида Алпомиш полвоннинг катта ҳиссаси бор. 1993 йили ўзбекча (алпомишча) кураш бўйича Ал-Ҳаким Ат-Термизий ҳазратлари номидаги халқаро турнир таъсис этилди. Унда қатнашмоқ учун 300 нафар полвон Термизга жам бўлди. Ана ўшанда термизликлар, умуман, бутун мамлакат аҳли ўз полвонларининг маҳоратини кўриб, неча ўн йиллар, неча юз йилдан сўнг биринчи марта, “Яша, Алпомишим!” деган фахрли хитобни баралла айтдилар.

Алпомиш ҳам Термиз мисол мангу тирик, барҳаёт эканлиги орадан олти йил ўтиб яна кўзга ташланди. Алпомишнинг минг ёшли тўйида Президентимизнинг ўзлари тўйбоши бўлдилар. Айримлар ўшанда, Алпомиш юртига қайтиб келди, дедилар. Бу гапга эътирозим бор. Чунки Алпомиш ҳеч ёққа кўчиб кетгани йўқ эди. У гоҳи Култой чолу Ёдгор бўлиб, гоҳи Салом ботиру (уни қизил инқилобчилар Салом калта, дейишган) Иброҳимбек бўлиб, гоҳи Ҳомид полвону Тоҳир полвонлар бўлиб яшаб келди. Яшамоқда. Яшайверади. Унинг Термиз боғида қад кўтарган пурвиқор ҳайкалига кўзим тушганда хаёлимда нуқул шу гап айланади.

Бу гал шерободлик санъатшунос дўстим Раҳим Искандаров билан ҳайкал пойида гурунг қилдик.

— Алпомишнинг юз-кўзида элимнинг, биродарларимнинг ориятини кўраман деган мағрур қатъият бор, — дейди суҳбатдошим.

— Энг муҳими шу, — дейман мен. Ва ўзимнинг шу гапим ўзимга туртки бўлиб, кўрган, таниган полвонларни кўз олдимга келтираман: Ҳомид полвон. Олтинсойнинг Чуқур обшир қишлоғидан. Ёши етмиш тўртга етибдики, ҳалиям оёғини ерга теккизмасдан икки доира умбалоқ ошади. Бир гал у қўй сотишга чиққан ҳамқишлоқларига қўшилиб катта бозорга боради. Қарасаки, ўзини бозорнинг “кузир”иман, деб таништирган бир одам фақиргина бир йигитнинг қўйларини пачакилаб машинасига босаяпти. Ана шунда Ҳомид полвон “кузир”нинг йигитга узатган қўлини кафтига маҳкам жойлайди. Зўравон қўлини тортиб олмоқчи бўлади. Ололмайди. Ўзича, тирноқларим темирдан, деб мақтайдиган қўллари секин-аста қисирлай бошлайди. Беллари букчаяди. Ҳомид полвон бўлса, сен шунчалар зўрмисан, деб қаттиқроқ қисаверади...

Шу-шу, ўша одам Ҳомид полвоннинг чангалидан омон-эсон қутулганига шукур қилиб, энди биз паст деди. Шу-шу талай “кузир”лар полвоннинг номини эшитганда ўзларини панага тортадиган бўлиб қолишди.

Алпомиш боғига борганимда мен Камол Бойтўраев деган полвонни эслайман. Вазни тўрт ярим пудча келадиган бу одам чайир эди. Чаққон эди. Йиқитардию йиқилмасди. Мижғовлик, майда гаплик иш бўптими. Алпомиш, қаранг, етти ёшида 14 ботмон камонни ердан узган, даст кўтарган-а. Бизлар, нима, шундай одамнинг болалари, писта чақиб, сақич чайнаб юришимиз керакми?! Мутлақо. Алпомиш, ана, қараб турибди ҳаммамизга. Унинг қўлидаги баҳодирлик белгиси бўлган ёйни, кўнглидаги ният — яхшиликларни биз қўлма-қўл қилиб, э-ҳе, неча минг йилларга етказмоғимиз керак. Ҳа-а, неча минг йилларга, — дер эди.

Камол полвон шоирларга ўхшарди. Гапларидан шоирона фикрлар ёғилиб турарди. Алпомиш, курасизлар, ўзбекча кураш бўйича ҳали жаҳон чемпиони бўлади. Бошқа элларнинг полвонларини ҳам ўзининг даврасига тортади. Алпомиш бу давраларга бошарт (даврабоши) бўлади. Курасизлар ҳали, — дер эди. Бу гапни Камолжон айтганда фаришталар омин деган экан. Алпомиш бугун у айтгандай жаҳонга танилди. Алпомиш бугун Тоштемир, Акобир, Ботир полвон бўлиб, Муҳаммадқодир ва Артур бўлиб, Азаматали ва Собиржонлар бўлиб катта давраларни айланмоқда. Термизнинг энг гўзал боғида қад ростлаган “Алпомиш” бўлса буларни кўриб бағри тағин ҳам тўлишиб, бутунлашиб бораётгандай. Умид-ниятларга тўла кўзлари узоқ уфқ шафақлари билан сўзлашаётгандай.

Бўйи пастроқ бўлса ҳамки, елкаларининг кенглигидан унчамунча полвондан қолишмайдиган Олимжон оғанинг мароқли ҳикоясини шу ерда тўхтатиб турсак-да, эндиги сўзни бугунги полвонларимиз — спортчиларимизнинг катта устози, **республика Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Баҳодир МАХСИТОВ**дан эшитсак:

— Миллий қадриятимизнинг умуминсоний қадриятга айланиши, уни асрлардан асрларга бусбутунлигича етказиб келган полвонлар ҳақидаги қизиқарли ҳикоядан кейин, сиз, азизларни зериктириб қўймасликка уриниб кўраман. Шунинг учун ҳам сўзимни Муҳаммадқодир ёки Линадан бошламоқчи эмасман. Тўғри, уларнинг ғалабалари Ўзбекистон спортининг энг катта ютуқлари ҳисобланади. Олимпиада бежизга биринчи рақамли мусобақа деб таърифланмайди ахир. Ана шундай нуфуздаги беллашувда Ватан байроғини кўтариш ҳаммага насиб қилмайди. Улар ҳақида кинофильмлар қилинди, шеърлар, мақолалар ёзилди. Аммо шундай спорт турлари ва чемпионларимиз борки, уларни кўпчилик дафъатан эслолмаслиги мумкин.

Жумладан, спортчиларимизнинг халқаро майдонга мустақил Ўзбекистон байроғи остида илк бор чиқиши 1992 йилда Барселона олимпиадасидан сўнг рўй берди. Ва шу йилнинг ўзидаёқ бир қатор зафарларга эришилди. Филиппин пойтахти Манилада бўлиб ўтган Бутунжаҳон шахмат олимпиадасида таркибида бирорта ҳам халқаро гроссмейстерга эга бўлмаган Ўзбекистон эркаклар терма жамоаси 100 дан ортиқ мамлакатлар вакилларини ортда қолдириб, Гарри Каспаров бошчилигидаги Россия шахмат усталаридан кейин фахрли иккинчи ўринни қўлга киритишди. Бу жуда катта ғалаба эди. Шундан бери жаҳоннинг нене “шахмат йўлбарс”лари бизнинг вакилларимиз билан ҳисоблашади. ФИДЕ рейтингида юқори ўринларда турган халқаро гроссмейстерларнинг энг ёши ҳам Ўзбекистон фарзанди Рустам Қосимжонов эканлигидан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Бокс оламидаги мутахассислар Ўзбекистон номини эшитганда сергак тортадиган бўлиб қолгани ҳаммага маълум. Бунга ўша Муҳаммадқодир Абдуллаев, Ўткирбек Ҳайдаров, Сергей Михайлов, Рустам Саидов ёки мана, профессионал бокс соҳасида ўз сўзини айтган Артур Григорян, Қувончбек Тайганбоев, Руслан Чагаевларнинг рингдаги доимий ҳукмронликлари сабаб бўлди. Аслида бу кўп йиллар давомида фарзандлари “нимжон” аталиб келинган халқ ўғлонларининг мардлар майдонидаги чайирлигининг жуда катта намойиши эди. Аслида бу зоҳиран эркин, ботинан қуллик истибдодида сақланган элнинг йигитлари ҳурриятни қанчалик қутлаганидан, юртнинг обрўйини оширa олишидан далолат эди. Фикримизнинг тасдиғи билан қизиққанлар 11 йиллик тарихимиз саҳифаларидан истаганча мисол топиши мумкин.

1993 йил, Хельсинки. Бокс бўйича жаҳон чемпионатида Х.Аҳмедов кумуш медални қўлга киритди. Яна икки нафар “чарм қўлқоп” устамиз (Н. Отаев, 1994 йил ва Л.Зокиров, 1998 йил) жаҳон кубоги соҳиби бўлишди. К. Тўлаганов Олимпиада ўйинларининг (1996 йил, Атланта) бронза медалини бўйнига тақди. Шоҳсупада қаддини тик тутиб тураркан, “ҳали бу бошланиши”, дегандай халойиққа мағрур боқди, ҳилпираётган байроғимизга қараб жилмайиб қўйди. Айтингчи, бу қалбдаги ифтихорнинг нишонаси эмасми?!

1994 йил. Япония, Хиросима. Осиё ўйинларида илк бор қатнашган вакилларимиз 10 та олтин, 12 та кумуш ва 20 та бронза медалларини қўлга киритишди. Жами 42 та иштирокчи давлатдан тўрттасигина жуда катта куч эвазига навқирон Ўзбекистоннинг олдига туша олди, холос. Айниқса, футболчиларимиз намойиш қилган маҳоратни, матонатни бутун қитъа аҳли тилидан қўймай гапирганди ўшанда.

Йирик мусобақаларда, одатда, машҳур спортчилар даврага кириб келаётганда бонг янграйди ўзига хос мусиқалар чалиниб, мухлислар эътибори ана шу томонга қаратилади. Ўша спортчи ҳақиқий юлдуз янглиғ қоронғулик қаъридан ёруғлик сари чиқиб келади. 1995 йили Тошкентда шундай ҳолат юз берди. Фақат бу сафар муайян спортчи эмас, бутун бошли мамлакат — янги мустақил давлат катта спорт саҳнасига чексиз имкониятлари билан чақмоқ сингари кириб келганини маълум қилди. Гап шундаки, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида биринчи марта Марказий Осиё ўйинлари ўтказилди. Халқаро Олимпия қўмитасининг ўша пайтдаги президенти Хуан Антонио Самаранч бу тадбирни “Кичик Олимпиада”, деб баҳолади. Самаранч жаноблари бу гапни узоқ Лозаннада туриб эмас, Тошкентга келиб, “Пахтакор” стадионида, ўйинларни бевосита кузатгандан кейин айтди. Айниқса, Олимпия машъаласининг дорбозлар ижросида ёқилиши у кишининг чексиз ҳайратига сабаб бўлди.

Ўзим учун ёқимли қўшиқ бўлиб туюлаётган ҳикоямга вакилларимизнинг дунёнинг энг баланд нуқтаси — Эверест чўққисини забт этганини, эркин ва юнон-рум кураш бўйича анъанавий ўтказилаётган Гран-При туркумидаги халқаро турнирни, каратэчи-ю, таэквандочиларимиз, оғир атлетикачиларимиз қўлга киритаётган шодашода медалларни айтмасам бўлмас. Республикамиз Осиё теннисининг пойтахти сифатида эътироф этила бошлаганига эса икки-уч йил бўлди. Кортларимиз ҳеч кимникидан кам эмас, ёшларимиз бу нафис спорт турига тобора кўпроқ қизиқмоқдалар. 1994 йилда асос солинган “Президент кубоги” халқаро турнирининг нуфузи муттасил ошиб, қаторасига уч йил АТР туркумида мусобақаларнинг энг яхшиси деб топилди.

Яна бир гап: 1998 йили Ўзбекистоннинг ўсмир спортчилари Москвада ташкиллаштирилган Бутунжаҳон ўсмирлар ўйинларида қатнашишди. Тасаввур қилинг, дунёнинг 131 та давлатидан 7830 нафар спортчи иштирок этган йирик анжуманда Ватанимиз ёшлари умумжамоа ҳисобида 13-ўринга кўтарилишди. Ахир бу 118 мамлакат ортда қолдирилди, дегани эмасми?!

Санаймиз десак, бахшиларимиз қўшиқ қилиши учун етти кеча-кундузга етадиган манбага эга бўлишлари тайин. Аммо асосийси бу эмас. Муҳими, бу ютуқларга қандай эришилгани ва эришилаётганида. Мустақилликнинг дастлабки йилидан “Ҳеч бир соҳа мамлакатни спортчалик тез дунёга танита олмайди”, деган шиор ўртага ташланди. У катта-кичик раҳбар ёки тадбиркор бўлсин, спортчиларга шароит яратиб беришдан қочмади. Дастлабки натижалар ана шу ғамхўрликнинг самараси ўлароқ юзага келди, десак адашмаймиз. Бугун эса мамлакатда профессионал спортчилар тайёрлашнинг уч босқичли узлуксиз тизими яратилиб, амалга киритилган. Аниқ тизим ҳаракатга келтирилдими бас, у ўз-ўзидан давом этаверади. Таъкидлаш жоизки, “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод”, “Универсиада”дан иборат бу тизимнинг жаҳонда ўхшаши йўқ. У айнан бизнинг Ватанимизда, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ яратилган. Йўқ, у шунчаки мусобақа эмас. Мазмун-моҳиятига чуқурроқ назар солсангиз, ҳайратингиз ошади. Фарзандни спорт ўйинлари воситасида ҳам маънан, ҳам жисмонан камол топтиришнинг бўғинма-бўғин, босқичма-босқич амалга ошириладиган жараёни акс этган унда.

Яна қанча спорт тури бўйича чемпионларимиз бор, уларни номма-ном тилга олишни газета ҳажми тақозо этмайди. Майли, ютуқлар қанча бўлса ҳам ўзимизники. Шунинг учун “жилов”ни **ЖУРНАЛИСТ**нинг ўзи қўлга олса-да, Ҳакимбек таърифидан бошланган қўшиқнинг авж пардасини куйлашга бел боғласа.

Шундай саволлар бўладики, унинг жавоби ўзида мана-ман, деб кўриниб туради. Бир-иккита мисол:

Алпомишни ёғийлар билан якка курашишга ундаган нарса ор-номус, шаън туйғуси эмасми?!

Ҳомид полвоннинг “кузир”лар кўзини очиб қўйиши, инсонийлик фалсафасининг намойиши эмасми?!

Камол Бойтўраевнинг тилаклари, орзулари одам зоти эрксиз яшай олмаслигидан далолат эмасми?!

Нурхон Нафасов деган каратэчиларимиз сардорини, Пўлат Усмонов деган таэквандочиларимиз етакчисини, Рашид Маткаримов деган оғир атлетикачиларимиз бош мураббийини, Ирода Тўлаганова деган теннис маликасини, машҳур клублардан “совчилар” келган Илёс Зейтуллаев деган футболчини яхши танийсиз. Айтингчи, улар учун имконият эшикларининг очилишига ОЗОДЛИК қуёшининг порлаши сабаб эмасми?

Қайтар дунё, дейдилар. Агар Истиқлол спортчиларимизни халқаро майдонга оқ йўл тилаб кузатган бўлса, улар Мустақиллик туғини, ҳў-ў Австралиягача қадаб келишди. Лиллехаммер деган қорли ўлкада ҳам 1994 йилдан буён ҳилпираб турибди шу байроқ. Демак, улар бир-бирига жуда керак. Демак, улар бир-бирисиз яшай олмайди.

Олимжон Усановнинг ҳикоясидан бир гапни ён дафтаримга ёзиб қўйдим: Алпомиш ҳаммамизни кўриб турибди. Ютуқларимиздан кўкраги янада кўтарилади. Зотан, унинг бўй-басти, салобати энг олисдаги эл-улусларга ҳам кўринади. Қудратимизга тан беришади. Алпомишга муносиб бўлайлик.

Бизга бутун Ўзбекистон жўровоз бугун. Сабаби аён. Спорт — миллат ғурури. Спорт — соғлом турмуш тимсоли. Спорт — ғайриоддий иллатлар қушандаси. Спорт — тинчлик элчиси. Халқнинг юзини ёруғ қиладиганлар (баъзан уялтириб қўядиганлар ҳам) спортчилар. Юртбошимиз ўзи сизга ишонч билдирган. Алпомиш қараб турибди сизга. Унинг 14 ботмонли ёйини қайтадан қўлга оладиган замон келди.

**Озод РАЖАБОВ.**

# Қонун ҳисоб сўрайди

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шаҳар ва туман меҳнат бўлимлари қошида ишсизлик мақомини тайинловчи комиссиялар иши меҳнат органларида фуқароларни рўйхатга олиш, уларни ишга жойлаштириш, ишсизлик нафақасини тўлаш тартиби тўғрисидаги низом асосида олиб борилмоқда. Лекин шу билан бирга вилоятда фуқароларни ишсизлар рўйхатига олиш, иш таклиф этишда қонун талабларини бузиш ҳоллари, хусусан, фуқароларни асоссиз ишсиз деб эътироф этиш ва нафақа тайинлаш каби қонунга зид ҳаракатлар содир этилгани аниқланди. Шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаролар учун иш жойлари яратаётган иш берувчиларни маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан рағбатлантиришга етарли эътибор берилмаяпти. Қўқон, Фарғона шаҳарларида, Бағдод, Бувайда ва Фарғона туманларида шундай ҳолатни кузатиш мумкин. Вилоятда 2001 йилда ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга иш ўрни очиш бўйича тасдиқланган режа атиги 26 фоизга бажарилган бўлса, 2002 йил 1 июль ҳолатига кўра, бу кўрсаткич бор-йўғи 9,3 фоизни ташкил этди, холос. Худди шундай ҳолат фуқароларни квоталанган иш ўринларига ишга жойлаштиришда ҳам кузатилади. 2002 йилнинг биринчи ярмида бу кўрсаткич атиги 6,1 фоизга тенг бўлди.

Вилоятда фуқароларнинг ишга жойлашиш ҳуқуқининг бузилиш ҳоллари аниқланмади. 41 марта бўш иш ўринлари ярмаркалари ўтказилган бўлиб, иш қидираётганларга бепул юридик маслаҳат, воситачилик хизматлари ташкил этилган. Вилоят ҳудудида янги иш ўринлари барпо этишга оид вилоят ҳокимининг 2002 йил 1 мартдаги 66-қарори билан тасдиқланган «Бандлик» дастури амалда 120 фоизга бажарилгани ижобий натижадир.

Аммо, иш қидираётган фуқароларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ишлари баъзи бир шаҳар ва туманларда қониқарсиз аҳволда. Чунончи, Ёзёвон туманида 681 фуқародан атиги 25 нафари (3,6 фоизи), Олтиариқ туманида рўйхатга олинган 2288 фуқародан атиги 48 нафари (2 фоизи) қайта ўқитилган, холос. Худди шунингдек, Ташқи миграция масалалари агентлигининг вилоят вакиллиги фаолиятида ҳам жиддий камчиликлар бор. Вакилнинг иш фаолияти вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси билан ҳамкорликда олиб борилмаяпти. Мамлакат ташқарисига ишга жўнатилаётган фуқаролар ҳақида маълумот бермаслик, уларнинг рўйхатини бошқарма билан келишмаслик ҳолатлари мавжуд. Чет элга касб-ҳунар ўрганиш ва ишга юбориш учун номзодлар вилоят танлов комиссияси рўйхатига олинмаганлиги, навбатда турмаган фуқароларнинг рўйхатга киритилганлиги ҳолатлари ҳам аниқланди.

Қонунда аҳолини иш билан таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш борасида маҳаллий давлат ҳокимияти органларига тегишли ваколатлар юклатилган. Бироқ туманлар миқёсида бу масалага етарлича эътибор берилмаяпти. Бешариқ, Сўх, Учкўприк ва бошқа туман ҳокимликларининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуннинг туман миқёсидаги ижросига оид ҳудудий дастурлари йўқ. Бундан кўринадики, шаҳар, туман ҳокимликлари жойлардаги меҳнат бўлимлари билан етарли даражада иш олиб бормаяптилар.

Вилоятда иш берувчиларнинг аҳолини иш билан таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишдаги иштироки масаласи қонун талаблари даражасида эмас. Бу борада бирмунча ижобий ишлар қилинган. Аммо, мавжуд 11,5 мингта ташкилот ва корхона фаолият кўрсатиб келаётган бўлса-да, улардан 60 фоиздан ортиғи ўзларида бўш иш ўринлари бор-йўқлиги ҳақида меҳнат бўлимларига умуман маълумот бермаганлар. Бундан ташқари, 2002 йил 1 июль ҳолатига кўра вилоятдаги корхоналар Иш билан таъминлашга кўмак кўрсатувчи давлат жамғармасидан 182 миллион 229,8 минг сўм қарздор. Уларнинг ишини хўжалик судига ошириш жараёни эса ўта суст аҳволда.

Шунингдек, «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуннинг Жиззах ва Андижон вилоятларидаги ижроси бўйича Ёшлар ишлари қўмитаси томонидан 2001 йил 13 июлда қабул қилинган қарорда белгиланган аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашувчи мувофиқлаштириш қўмиталарини тузишга доир берилган тавсиялар Фарғона вилоятида эътиборга олинмагани маълум бўлди. Қўқон, Марғилон шаҳарларида, Бувайда, Қува, Фарғона туманларида аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашувчи мувофиқлаштириш қўмиталари ҳанузгача тузилмаган. Бошқа шаҳар ва туманларда тузилган қўмиталар таркибида эса касаба уюшмаларининг ёки ходимлар бошқа вакиллик органларининг вакиллари иштирок этмаган. Бу эса қонуннинг тегишли талабларига тамомила зиддир.

Айрим жойларда мавжуд ишсизларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишда ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида мутахассисларга бўлган талаб ҳисобга олинмаётгани, уларга қонунга зид тарзда стипендия тайинлаш, ишсизлик нафақалари муддатларига риоя этмаслик, нафақа миқдорини ортиқча тайинлаш ҳолатлари борлиги аниқланди.

Қўмита йиғилишида, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, давлат қўмиталари, вазирликлар ва идоралар томонидан қўмита қарорларининг бажарилиши масаласи ҳам кўрилди. Қўмита қарорларини ўз вақтида бажармаётган вилоятлар ҳокимликлари қаттиқ танқид қилинди. Йиғилишда қўмита қарорларининг тўлиқ бажарилишини таъминлаш қатъий талаб қилиб қўйилди.

Мажлисда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*“Ўзэкспомарказ”да “O'ZBEKinPRINT” (матбаа, нашриёт иши, реклама) ва “O'ZUPAK” (тара, упаковка, ёрлиқ) халқаро кўргазмалари якунланди. Улар Россиянинг “Сюрпресс” фирмаси ва “ПолРос” Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси томонидан Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги элчихонаси расмий кўмагида ташкил этилган эди.*

# КЎРГАЗМАЛАР муваффақиятли ўтди

Кўргазмалар мамлакатимиз мустақиллигининг 11 йиллигига бағишланган эди. “O'ZBEKinPRINT” кўргазмасида матбаачилик, нашриёт иши ва рекламанинг асосий бўлимлари бўйича энг янги ускуналар, эҳтиёт қисмлар ва технологиялар намойиш этилди.

“O'ZUPAK” кўргазмаси замонавий, сифатли ва экологик тоза тара, қутилар ва ёрлиқлар ишлаб чиқариш учун ускуналар, материаллар, технологиялар ва дизайннинг комплекс экспозицияси бўлди.

Кўргазма ташкилотчилари кичик ва ўрта бизнесни, хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, матбаа корхоналарини қайта жиҳозлаш, сифатли маҳсулот ва хизматлар турини кўпайтириш, янги мўъжаз корхоналарни кенгайтириш учун юқори сифатли машиналар ва материаллар, янги технологиялар етказиб беришга алоҳида эътибор қаратди. Таъкидлаш жоизки, аввалги кўргазмаларда намойиш этилган кўпгина ускуналар ҳозирда босмахоналарда ишлатилмоқда. Булар XXI асрнинг янги технологиялари бўлиб, матбаа нашрлари ва ўраш маҳсулотлари сифатини яхшилашга хизмат қилади.

Кўргазмалар доирасидаги халқаро анжуман давомида матбаачилик соҳаси, ўраш саноати ҳамда ёрлиқ ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг долзарб мавзулари бўйича техник ва технологик семинарлар ўтказилди. Фирмаларнинг конференциялари ва тақдимот маросимлари, ҳудудлар вакиллари билан учрашувлар бўлиб ўтди, кўпгина ўзаро фойдали шартномалар имзоланди. Шубҳасиз, буларнинг ҳаммаси мамлакатимиз ҳудудида ишлаб чиқарилаётган товарлар ва хизматлар экспортининг ортишига хизмат қилади.

Шубҳа йўққи, мазкур кўргазмалар йилдан йилга янги технологиялар сари қадам ташлаётган Ўзбекистон матбаачилигининг янада ўсиши ва ривожланишига ёрдам беради. Кўргазмалар Ўзбекистон матбаасининг ишлаб чиқариш базаси рақобатбардошлигини ошириш, республика экспорт салоҳиятини ривожлантиришда муҳим омил бўлади, мамлакатимиз иқтисодига янги инвестициялар оқимининг келишига кучли туртки беради.

**Н. УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**



# Шифобахш сув

Олтиариқ туманидаги «Carl Treding Corp — Tashkent» шўъба корхонаси ўз фаолиятини бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Корхонада асосан, 3503 метр чуқурликдан қазиб чиқариладиган маъданли сувдан «SPRING» тамғаси остида салқин ичимликлар ишлаб чиқарилади.

Ушбу минерал сув шифобахш бўлиб, турли касалликларни даволашга жумладан, моддалар алмашувида катта аҳамиятга эга.

Айни пайтда бу ерда бир кунда 250 минг дона идишга минерал сув қадоқланаётир.

**СУРАТДА:** ***корхона ишчиси Эътибор Қўшақова.***

**М. ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.**

# «Интернет» орқали — бозорга

Республика “Мол-хомашё биржаси” ҳиссадорлик жамияти Бухоро вилоят филиалига келаётган хорижлик тадбиркорлар сони тобора кўпаймоқда.

Бу ерга дастлаб Бухоро вилоятининг имкониятлари билан Интернет орқали танишган Украина, Россия ҳамда Қозоғистон ишбилармонлари ички бозорни чуқур ўрганиш, шериклар доирасини кенгайтириш мақсадида келди. Уларда биржа кўргазмасига қўйилган маҳсулот намуналари — тикувчилик буюмлари, қишлоқ хўжалик маҳсулотларига эҳтиёж катта экан. Шу боис, икки томонлама тузилган шартномалар сони кўпайди. Август ойида биржа филиали орқали қарийб 3 миллиард сўмлик олди-сотди ишлари амалга оширилди.

**Илҳом САФАР,**
**ЎзА мухбири.**




# Ўзбек олими асари — хитой тилида

Академик Бўрибой Аҳмедов йирик тарихчи олим ва таниқли адиб эди. У ўзининг ўзбек, рус, инглиз, форс, араб ва бошқа тилларда чоп этилган 350 га яқин китоб ва илмий мақолаларида Марказий Осиё халқларининг X-XIX асрлардаги тарихининг ўрганилмаган ёки кам ўрганилган саҳифаларини ойдинлаштирди; араб, форсий ва туркий тилларда ёзилиб, халқимизнинг бой тарихи ва кўҳна маданиятини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилиши мумкин бўлган бирталай муҳим қўлёзма асарларини таҳлил этиб, ўзбек ҳамда рус тилларида нашр эттирди ва кенг китобхон оммасига етказиб берди. Хусусан, ўзбек халқининг келиб чиқиши, Темур ва темурийлар даври тарихи ва маданиятини ўрганишга катта ҳисса қўшди.

Бўрибой Аҳмедов таниқли адиб (публицист ва кинодраматург) ҳамдир. Унинг буюк олим, илм-фан ҳомийси ва давлат арбоби Мирзо Улуғбекнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган «Улуғбек» бадиаси кўп миллионли китобхонларнинг диққат-эътиборини қозонди ва қисқа вақт (1989-1994) ичида икки марта чоп этилди. Адибнинг Чўлпон ҳақида, тарих ва ижтимоий тараққиёт мавзуида газета ва журналларда чоп этилган ўнлаб публицистик мақолалари синчков ва талабчан ўқувчи томонидан мамнуният билан қабул қилинди. Бўрибой Аҳмедов кинорежиссёр Шуҳрат Аббосов, Исамат Эргашев, Ўлмас Алихўжаевлар билан ҳамкорликда Амир Темур ва Мирзо Улуғбек ҳақида кўп серияли бадиий ва ҳужжатли фильмлар сценарийини яратди.

Олим юқори малакали шарқшунос кадрлар тайёрлаш ишига ҳам муносиб ҳисса қўшди. У 30 дан ортиқ фан номзоди ва доктори тайёрлаб берди. Унинг шогирдлари бугун Ўзбекистон, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистондан ташқари қатор хорижий мамлакатларда, масалан, АҚШ, Афғонистон ва Ҳиндистонда фаолият кўрсатмоқдалар.

Яқинда Бўрибой Аҳмедовнинг Марказий Осиё халқлари тарихига оид жуда қимматли асари Хитой Халқ Республикасида хитой тилида кўп нусхада чоп этилди. Мазкур асар 1986 йилда «Историко-географическая литература Средней Азии» деган ном остида рус тилида нашр этилган ва ҳанузгача ҳар бир тарихчи — шарқшунос олим учун муҳим қўлланма бўлиб келаётган тадқиқотдир. Унда XVI-XVIII асрлар мобайнида форс, туркий тилларда битилган Ватанимиз тарихига оид 60 га яқин қимматли манба ҳақида шарҳлар берилган. Мазкур монография диёримиз тарихи қанчалик кўҳна эканлигини исботловчи муҳим асардир. Бўрибой Аҳмедовнинг китоби қўшни Хитойда нашр этилиши Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстона алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

**Бахтиёр ҚОСИМОВ,**
**Халқаро Амир Темур хайрия жамғармаси ижрочи директори.**

# Бош вазир узр сўради

***Япония Бош вазири Жуньитиро Коидзуми КХДР раҳбари Ким Чен Ир билан музокаралардан сўнг Пхеньянда матбуот анжуманини ўтказди. Унда Бош вазир мамлакат номидан Иккинчи жаҳон уруши йилларида Токионинг Корея халқига нисбатан олиб борган истилочилик сиёсати учун расман узр сўради.***

***“Рейтер” агентлигининг маълумотига қараганда, учрашув давомида КХДР томони ракета синовларини ўтказмаслик бўйича мораторий узайтирилишини маълум қилди. Ушбу мажбурият музокаралар якуни бўйича икки давлат томонидан қабул қилинган баёнотномада қайд этилган.***



# Ҳукумат тепасида яна 4 йил

***Дастлабки маълумотлар, Швецияда 15 сентябрь куни бўлиб ўтган парламент сайловларидан сўнг мамлакатнинг Социал-демократик партияси яна 4 йил мобайнида ҳукумат тепасида қолишини тасдиқламоқда. Ушбу партия 40,1 фоиз овоз олган.***

***«Рейтер» агентлигининг маълумотига кўра, сайловларда 78 фоиз фуқаро қатнашган.***

Шарҳловчи минбари

# ДУНЁДАГИ ДЕМОГРАФИК ВАЗИЯТ

Демография соҳаси ҳисоб-китобга асосланган бўлса-да, сўнгги пайтларда келтирилаётган рақамлар ҳақиқатдан йироқ бўлиб чиқмоқда. Ўтган асрда олимлар дунё аҳолиси кўпайишини башорат қилганди. Бироқ ушбу тахмин амалга ошмайдиган кўринади. Мутахассислар ҳозирнинг ўзида бир оилага атиги 2,1 фарзанд тўғри келаётганини айтмоқда.

Авваллари мамлакат бой бўлса, аҳолиси ўз-ўзидан кўпаяди, деган фикр бор эди. Бунинг акси ўлароқ иккинчи жаҳон урушидан сўнг қолоқлашиб қолган мамлакатларнинг барчасида туғилиш кўпайди. Энди эса дунё бўйлаб бу жараённинг акси кузатилмоқда.

Бир неча ўн йиллар аввал Бразилия, Миср, Ҳиндистон, Мексикада бир оилада олтитагача фарзанд туғилар эди. Ўшанда аҳолишунослар яқин юз йил ичида сайёрамиз аҳолиси 12 миллиардга етишини эълон қилганди. Ҳозирги олимларнинг сўзларига қараганда, 2200 йилга қадар сайёрамиз нуфуси ўн миллиардга етиб, кейин кескин тушиб кетар экан.

“Population Council” ташкилоти туғилишнинг пасайиш сабабларини ўрганиб чиқди. Айрим мутахассислар ушбу жараённинг асосий сабабини аёлларнинг ишлашига йўйса, бошқалар буни вақтинчалик ҳодиса деб ҳисобламоқда. Шунингдек, кузатувчилар дин ва маданият чуқур томир отган мамлакатларда туғилиш камаймайди, деган фикр ҳам асоссиз эканини таъкидламоқда. Масалан, динга эътиқод қилувчилар кўп яшайдиган Италияда оилалар кун сайин кичрайиб бормоқда. Бу ерда бола туғилиши кам, аҳоли тез қарияпти. Эронда ҳам худди шундай вазият кузатилмоқда. Бу жараён аҳолишуносларни ҳам, ҳукумат вакилларини ҳам бирдек ташвишга солаётир. Уларнинг айримлари демограф олимларга ишонмай ҳам қўйди.

Ўтган асрда дунё аҳолиси тўрт баробар ошган эди. Ҳозир ер юзида 6,2 миллиард киши истиқомат қилмоқда. Уларнинг 43 фоизи шаҳарда, қолгани қишлоқларда яшайди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, ҳозирги демографик жараён янги муаммони келтириб чиқармоқда. Туғилиш камайган сари кексалар сони кўпайиб бормоқда. Мисол учун, ҳозир нафақат ривожланган давлатларда, балки ҳамма мамлакатларда саксон ёшдан ошганлар тобора кўпаймоқда. Бу ҳол Ҳиндистон, Хитой, Нигерия, Бангладеш, Индонезияда яққол кузатиляпти.

**Шаҳноза МАТНАЗАРОВА,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

# Маълумотлар нимани кўрсатяпти?

***“Ал-Қоида”экстремистик ташкилоти жангариларининг йирик гуруҳлари Афғонистон ва Покистондан ташқарида, яъни Жануби-Шарқий Осиёда жойлашган.***

***“CNN.com” маълумотига қараганда, АҚШ разведкаси ушбу ташкилотнинг Индонезияда асирга олинган, мамлакатда “Ал-Қоида”нинг етакчиларидан бири — Умар ал Форуғни сўроқ қилганидан сўнг ана шундай хулосага келган.***

***Разведкачиларнинг айтишича, Форуғ яна бир ҳамюрти Абу Бакар Баазур билан Индонезия, Малайзия, Таиланд, Мьянма ва Филиппинда ҳам камида 9 та террорчилар гуруҳини ташкил қилган.***

# Террорчиликнинг олди олинди

***Афғонистон полицияси Қобул шаҳрида йирик террорчилик хуружининг олдини олишга муваффақ бўлди.***

***Қобул телевидениесининг хабарига кўра, шаҳарнинг жанубий қисмида ёнилғи ташувчи автомобиль қўлга олинган. Унинг ичига портловчи модда яширилган экан.***

***«Рейтер» агентлигининг хабарига кўра, ушбу ҳодиса сабабини ўрганиш бўйича ўтказилган қидирув ишлари давомида бир неча киши ҳибсга олинган.***

*Ер юзининг энг кекса кишиси — япониялик Камато Хонго ўзининг 115 ёшини нишонлади.*

# 115 ёшлик онахон

***Япониянинг жануби-ғарбидаги Кагосима шаҳрида яшовчи Камато Хонго 1887 йилда туғилган. Шифокорлар унинг соғлиғи жуда яхшилигини таъкидлашмоқда.***

***«Узоқ вақт оёқда туролмаслигига қарамай онам қўшиқ айтиш ва рақсга тушишни хуш кўради», дейди унинг 78 ёшли қизи Сизуе.***

***«Куодо» агентлигининг маълумотига кўра, Фукуока префектурасида дунёдаги энг кекса эркак яшайди. Ҳозир Юкуси Чугандзи 113 ёшда.***



# Грузия мурожаат қилмоқчи

***Грузия шу йилнинг ноябрь ойида Прагада ўтадиган Шимолий Атлантика альянси саммитида НАТОга аъзо бўлиш ҳақида мурожаат қилади.***

***Грузия президенти Эдуард Шеварднадзе матбуот анжуманида ана шу ҳақда маълум қилган.***

***«Грузия бу ҳақда илгарилари ҳам маълум қилган эди, аммо НАТО Грузиянинг мурожаатини 2005 йилдан аввалроқ кўриб чиқиши амримаҳол» — деди Шеварднадзе.***

***«Интерфакс» агентлигининг маълумотига қараганда, президент яқин кунларда маслаҳатлар учун Тбилисига НАТО вакиллари келиши кутилаётганини ҳам таъкидлаган. Унда, хусусан, Грузиянинг Шимолий альянсга аъзо бўлиши масаласи бўйича ҳам фикр алмашинади.***




# ХОРИЖДА ДАРС БЕРАЁТГАН ПРОФЕССОР

*Тошкент шаҳрининг Бешқайрағоч даҳасида зиёли бир инсон яшайди. Исми-шарифи Мамасодиқ Ҳусанов. Қатор илмий асарлари билан ўзбек адабиётига катта ҳисса қўшган олим. Филология фанлари номзоди.*

*Мамасодиқ ака бугун ҳам одатдагидек эрта уйғонди. Бомдод намозини ўқиб бўлиши билан телефон тўхтовсиз жиринглади. «Баҳодир бўлса керак», — деган ўй ўтди телефон томон ошиққан ота кўнглидан. У янглишмаган экан. Ўғлининг овози унинг соғинч тўла юрагини янада орзиқтириб юборгандек бўлди. «Китобингни почтадан олдим, ўғлим. Онанг билан роса қувондик. Оллоҳ омадингни берсин», — деди ота. У ўғлини деярли тингламас, унга гал бермас, фақат ўзи гапирарди. АҚШдаги нуфузли илмий даргоҳ — Корнелл дорилфунуни профессори бўлиш ҳазилакам гапми? Устига устак у АҚШда яшаб, тадқиқот ишлари билан шуғулланаётган Марказий осиёлик ягона мутахассисдир. Бирдан отанинг хаёлида шу қувончга етиб келгунча ўтган вақт, кўрган-билганлари жонланди.*

Бўладиган бола бошидан, деганларидек Баҳодир ўрта мактабни олтин медаль билан битириб, ТошДУ (ҳозирда Ўзбекистон Миллий университети)нинг математика факультетига ўқишга кирди. Учинчи курсдан Новосибирск университетида иқтидорли талабалар таҳсил оладиган гуруҳда ўқий бошлади. Сўнг ўша ерда аспирантурада қолдирилди. Профессор С. Гончаров илмий раҳбарлигида номзодлик ишини ёзди. Айни пайтда талабаларга дарс ҳам берди. Номзодлик ишини ҳимоя қилгач, Тошкентга қайтиб Миллий университетда ишлади. Қийин шароитларда фақат меҳнат билан ўзига йўл очди. 1991 йили ўзбекистонлик ёш олимларнинг хорижда ишлаб, малака ошириши тўғрисида танлов эълон қилинди. Ёш олим ҳам умид билан ҳайъатга қатор мақолаларини тавсия этди. Кутилмаганда ҳайъат аъзоларидан бирининг заҳирадаги гуруҳда қолдингиз, деб айтган гапи уни тушкунликка тушириб юборди. Ўшанда отаси жонига оро кирди, кайфиятини кўтарди, ойнинг ёруғ ўн беши борлигига, албатта, ишонтирди, қоқилса, турғазиб қўйди, қўллаб-қувватлади.

Отаси ҳақ экан. Ёруғ кунлар олдинда экан. Миллий университет раҳбарияти Баҳодирнинг илмга чанқоқлиги-ю, тиниб-тинчимаслигини ҳисобга олиб, уни Сиэтл шаҳридаги Вашингтон дорилфунунига талабалар алмашуви асосида малака оширишга юборди. Ўз юртида дарс бериб юрган ўқитувчи хорижда талабалар қаторида билим олишдан ранжимади. Аксинча билганларини янада мустаҳкамлади, билмаганларини эса ўрганди. Ўз устида жиддий ишлади.

Шу орада у ўзи яшаётган юртда одат тусига кириб қолган рекламадан фойдаланди. Бир неча дорилфунунларга мантиқий риёзиётга оид туркум мақолаларини юборди. Бахтни қарангки, шундан сўнг уни қатор дорилфунунлар раҳбарияти ишга таклиф этди. Олим Корнеел хусусий дорилфунунини танлади. Чунки у ерда тенгдош ҳамкасблари талайгина эди. У университетда мантиқий риёзиёт ва мантиқдан дарс бера бошлади. Америко риёзиётчилари жамиятининг йиллик кенгашига таклиф этилди. «Жаҳон Рамзий мантиқ уюшмаси»нинг йиллик анжуманида бир соатлик маъруза ўқиди. Ўнга яқин дорилфунунларда маърузалари билан қатнашди. Буларнинг барчаси ўзбекистонлик ёш олимда фахр ва ғурур туйғуларини янада мустаҳкамлади. Чунки унгача ўша дорилфунунларда ёш ўзбек олимлари қатнашмаган, ҳатто Марказий Осиё ва Қозоғистон риёзиётчилари таклиф маърузалари билан чиқишмаган экан. У тинимсиз меҳнатлари эвазига «Ванга» профессорлик унвонини олдики, бундай унвонга эга бўлиш учун мингга яқин риёзиётчилар ариза беришганди. Ҳозирда у АҚШдаги нуфузли риёзиёт жамиятининг вице-президенти Анил Нероуд билан ҳамкорликда ишламоқда. Ҳаммуаллифликда «Автоматлар назарияси ва қолдиқлари» китобини ёзиб чоп эттиришди. Мазкур китоб математика, амалий математика, компьютер соҳалари факультетлари юқори курс талабалари ва аспирантлар учун мўлжалланган. Ундан алгебра, логика ва ҳисоблаш назариялари мутахассислари ҳам фойдаланишлари мумкин. Шунингдек, китобда юздан ортиқ мисоллар ва автоматлар назариясига оид қатор мақола ҳамда китоблар библиографияси берилган.

— Сиз бахтли оталардан экансиз, сабаби шундай илмли ўғлингиз бор, — дейман Мамасодиқ ака билан суҳбатда.

— Нимасини айтасиз, жудаям бахтлиман, — дея жилмаяди у. — Ўғлим баҳона Ҳажга ҳам бориб келдим. Анча бўлди, аянгиз билан АҚШга бордик. Мен ўғлим, келиним ва набираларим учун ўзбекча китоблар олиб бордим. Бирам севинишдики.

Баҳодир эса ҳамиша Ватан соғинчи билан яшамоқда. Мен ундан ўзбек риёзиёти ҳақида сўраганимда, у қуйидагича жавоб қилди: «Тарихда бизнинг Ватанимиз алломалар юрти ҳисобланган. Ал-Хоразмий, ал-Фарғоний, Абу Наср Форобийдек буюк риёзиётчилар бутун жаҳонга танилган. Ўйлайманки, мустақил Ўзбекистон ҳам ақл-заковатли фарзандлари билан ривожланган мамлакатлар рўйхатидан жой олади. Бунинг учун барча шарт-шароит бор. Энг муҳими, Юртбошимиз «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт», деб турган бўлса. Яна нима керак бизга? Фидойилик билан ёниб яшасак бўлди».

Зеро, Баҳодир Ҳусанов ўзбек илму урфонини жаҳоннинг юксак минбарига олиб чиқаётган олим. Мустақиллик эса ушбу минбарни кенгайтираверади.

**Г. ҲУСАНОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*“Андижон нашриёти” акциядорлик жамиятида нашр этилаётган газеталарнинг ишлаб чиқариш қуввати кескин кўтарилиб, сифати яхшиланди. Янги жиҳоз — Германиянинг “Man roland” компаниясининг “Rondoset petit” босма машинаси ишга туширилиши ана шундай имконият туғдирди. Машина бир соатда А-1 форматидаги тўрт хил рангдаги 30 минг нусха маҳсулотни босиб чиқара олади. Сифати пойтахт газеталариникидан қолишмайди.*

# Матбуот ва давр

“Андижон нашриёти” акциядорлик компанияси ходимлари “Шарқ” акциядорлик компаниясидаги ҳамкасблари билан биргаликда оптик тола кабелидан фойдаланган ҳолда икки томонлама алоқани ҳам йўлга қўйди. Илгари Тошкентда А-3 форматли 16 саҳифали газетани қабул қилиб олишга бир неча соат кетган бўлса, ҳозир бу иш атиги 15 дақиқада бажарилади.

— Аслида бу ягона комплекс, — дейди “Шарқ” акциядорлик компанияси бош инженери О.Раҳимов. — Биз нашр этаётган газеталарнинг 15 фоизга яқини Фарғона водийсида тарқатилади. Тошкентдан марказий ва минтақавий матбуотни олиб келиш анчагина пул ва вақт талаб қилади. Андижонда барпо этилган база буларни бартараф этиш имконини беради. Келажакда бу ерда пойтахтда нашр этиладиган дарсликларни ҳам чиқариш мумкин.

**С. ШУКУРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# Ичимлик суви муаммо эмас

Жалолқудуқ туманидаги Насриддин Эсонов номли ширкат хўжалигида яшовчи ўн мингдан зиёд аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминланди. Бу ерга ўрнатилган Германиянинг “Сименс” фирмасида ишлаб чиқарилган сувни тозаловчи ва хлорловчи иккита агрегат бунга имкон яратди.

Ҳозирга қадар тумандаги саккизта қишлоққа ана шундай тоза сув етиб борди.

НИЗОМИЙ номидаги

# ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ

**2002-2003 ўқув йилига пулли-тўлов шартнома асосида таълим тури, тили ва йўналишлари бўйича тавсия этилган абитуриентлар рўйхатини 2002 йил 28 августда “Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталарида эълон қилган эди. Шу абитуриентлардан бўш (вакант) қолган ўринларга давлат тест маркази қайдномасида навбатда турган қуйидаги абитуриентларни пулли-тўлов шартнома асосида танлаган йўналишлари бўйича ариза билан қабул комиссиясига мурожаат этишларини сўраймиз.**

**ТАЪЛИМ ШАКЛИ: КУНДУЗГИ**

| | Таълим йўналишлари | |
|---|---|---|
| 1001 | - Математика ва информатика | 72,20 баллдан юқори |
| 1002 | - Физика ва астрономия (Физика ва астрономия, меҳнат таълими) | 75,10 баллдан юқори |
| 1004 | - Кимё ва экология | 79,90 баллдан юқори |
| 1005 | - Биология ва ҳаётий фаолият хавфсизлиги | 86,70 баллдан юқори |
| 1006 | - География ва иқтисодий билим асослари | 100,60 баллдан юқори |
| 1007 | - Ўзбек тили ва адабиёти | 97,50 баллдан юқори |
| 1015 | - Миллий истиқлол ғояси; ҳуқуқ ва маънавият асослари | 122,50 баллдан юқори |
| 1018 | - Бошланғич таълим ва тарбиявий иш | 92,20 баллдан юқори |
| 1019 | - Педагогика ва психология (Педагогика ва психология, мактабгача таълим, дефектология) | 79,90 баллдан юқори |
| 1025 | - Инглиз тили ва адабиёти | 92,00 баллдан юқори |
| 1026 | - Немис тили ва адабиёти | 81,60 баллдан юқори |
| 1033 | - Тарих | 108,50 баллдан юқори |
| 1042 | - Машинасозлик | 77,10 баллдан юқори |
| 1045 | - Агрономия | 78,60 баллдан юқори |
| 1150 | - Мусиқий таълим | 70,90 баллдан юқори |
| 1152 | - Чақириққача ҳарбий таълим | 96,50 баллдан юқори |
| 1182 | - Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси | 69,40 баллдан юқори |
| 1275 | - Амалий санъат | 72,70 баллдан юқори |
| 5201 | - Қозоқ тили ва адабиёти | 70,40 баллдан юқори |

**ТАЪЛИМ ШАКЛИ: СИРТҚИ**

| | Таълим йўналишлари | |
|---|---|---|
| 1001 | - Математика ва информатика | 136,80 баллдан юқори |
| 1002 | - Физика ва астрономия (Физика ва астрономия, меҳнат таълими) | 132,00 баллдан юқори |
| 1004 | - Кимё ва экология | 126,30 баллдан юқори |
| 1005 | - Биология ва ҳаётий фаолият хавфсизлиги | 111,20 баллдан юқори |
| 1006 | - География ва иқтисодий билим асослари | 128,30 баллдан юқори |
| 1007 | - Ўзбек тили ва адабиёти | 114,80 баллдан юқори |
| 1015 | - Миллий истиқлол ғояси; ҳуқуқ ва маънавият асослари | 134,90 баллдан юқори |
| 1018 | - Бошланғич таълим ва тарбиявий иш | 115,90 баллдан юқори |
| 1019 | - Педагогика ва психология (Педагогика ва психология, мактабгача таълим, дефектология) | 89,00 баллдан юқори |
| 1033 | - Тарих | 133,60 баллдан юқори |
| 1042 | - Машинасозлик | 128,70 баллдан юқори |
| 1150 | - Мусиқий таълим | 74,10 баллдан юқори |
| 1182 | - Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси | 106,10 баллдан юқори |

**ТАЪЛИМ ШАКЛИ: МАХСУС СИРТҚИ**

| | Таълим йўналишлари | |
|---|---|---|
| 1002 | - Меҳнат таълими | 56,80 баллдан юқори |
| 1018 | - Бошланғич таълим ва тарбиявий иш | 61,90 баллдан юқори |
| 1150 | - Мусиқий таълим | 87,40 баллдан юқори |
| 1153 | - Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият | 79,10 баллдан юқори |
| 1182 | - Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси | 64,94 баллдан юқори |

***Жадвалда келтирилган кўрсаткичларга эга бўлган абитуриентларни ректор номига ёзма ариза билан 2002 йил 1 октябргача қабул комиссиясига шахсан мурожаат этишларини сўралади.***

**Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103-уй.**
**Қабул комиссияси телефон рақами: 55-70-27; факс: 54-92-17.**

